
"Турон" йиғин ўтказиш учун Тожикистонга жўнаб кетди
Ўзбекистон Про-лигасида 5 август кунига қадар ёзги танаффус эълон қилинган.

Мавсумнинг қолган қисмига кўтаринки кайфиятда тайёргарлик кўриш, футболчиларнинг жисмоний ҳолатларини юқори даражада ушлаб туриш мақсадида Ўзбекистон туманининг "Турон" профессионал футбол жамоаси хориж йиғинини ўтказиш белгиланган эди.



Шу мақсадда, клуб вакиллари бугун эрта тонгдан Тожикистон Республикасига жўнаб кетдилар.

Тожикистонда жойлашган "Баҳористон" сихатгоҳида ташкил этиладиган мазкур йиғин 16 июль кунига қадар давом этиши, шунингдек тасдиқланган режага кўра, хориж йиғини давомида 2 та назорат учрашуви ҳам ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2022-07-06 11:08:44